

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**167** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида» 2013 йил 22 октябрдаги ПҚ–2053-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Радиочастота спектрини бошқаришни ташкил қилиш ва фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида» 2013 йил 22 октябрдаги ПҚ–2053-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси раҳбари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 7 апрель,  
84-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 7 апрелдаги 84-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тўғрисида» 1992 йил 3 сентябрдаги 406-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 9-сон, 27-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 482-сон қарори 1-бандининг «б» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 34-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 1 ноябрдаги 434-сон қарорига 1-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 62-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда), шунингдек қарорга 4-илова ва 5-илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 359-сон қарорига илованинг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 74-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Матбуот, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 16 августдаги 200-сон қарорига 6-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 46-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1087-сон қарори)» 2009 йил 11 июндаги 159-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 44-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 23 октябрдаги ПҚ–1836-сон қарори)» 2013 йил 23 августдаги 233-сон қарорига илованинг 1 ва 13-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 61-модда).